



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2015-yil 31-iyul №31 (4326)



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ОЗОД ЮРТ ТАРОВАТИ

Ўзбекистон мустақиллиги ҳар бир ўзбекка, ҳар бир ўзбекистонликка "Озод инсон", "Озод юрт фуқароси" деган барча унвонлардан баландроқ, яхшироқ ва қадрлироқ унвон берди. Шу унвондан қувонган, фахрланган ижодкорлар каби бир пайтлар мен:

**Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар,
Айтсам ҳар тоғимдан сачраб чиқар чўғ.
Ҳар тоғуш кўксимда Тангригоғ тиклар,
Дунёда бундан-да гўзал унвон йўқ...**

деб ёзган эдим. Бу сатрларга сингиган фикримни барча байрам ва бегим кунларда такрорлагим келаверади. Дарҳақиқат:

**Фақат шу унвон деб қўйса бўлади,
Фақат шу арзийди одам жонига.
Байроқ каби қадаб қўйса бўлади,
Ёлғиз шу унвонни юрак ёнига...**

Ижодкорнинг қувонч-ташвишлари ўз халқининг қувонч-ташвишларига туташ бўлади. Элининг "ух" деб бир сўлиш олгани унинг юрагига дард бўлиб чўккани каби, юзидаги шодлик табассуми қўшининг пориллашидан ҳам нурлироқ, ёғдулироқ кўринади.

Шу маънода ҳаётни, мустақил юртимиздаги ўзгариш, янгиланишларни кўрганимда ўзимга эмас, дунёларга сиймай кетаман.

Шу кунларда кузатиб сезганим, сезиб, сеvingанларимдан айтсам, менга элдошларимнинг бақувват руҳи ёқпти. Яқинда Поп туманида Нодира исмли бир фермер аёл билан суҳбатлашдим. 2005 йилда 14 гектар билан деҳқончиликни бошлаган экан. Бу йил 47 гектар ер экибди. Бир парча ерга уч-тўртта уруғ ташлаб кўкартиришнинг ҳам яхшигина меҳнат, заҳмат талаб қилишини қишлоқ кизи сифатида яхши биламан.

Умуман, ер заҳматининг машаққатини танамда синаб кўрганман. 47 гектар ерда деҳқончилик қилиш учун фақат соғлом жисм, деҳқончилик илмидан ташқари бақувват руҳ керак бўлади. "Мен табиат инжиқликларини енгиб чиқаман", деган ишонч керак бўлади. Қишлоқларимизда учта, бешта ишчи билан (мавсумий ишчиларни ҳисобга олмаса) юзлаб гектар ерларда деҳқончилик қилаётган фермерларимизнинг дадилликлари қараб уларда: "Мен шу ер, шу эл учун жавоб бераман", деган бир бекиёс туйғуни ҳис этаман.

Давоми иккинчи саҳифада.

Ифтихор



Бугунги Наманган

«ЎЗА» олган сурат

КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ...

Ижодга ҳавас уйғонган дил маданият-маърифат нуридан мунаввар бўлади. Бундай қутлуг иноятдан, мисоли шам ёғдусидан юз-кўзлар ёришгандай, кўпчилигининг қалби чароғон бўлади.

Истиқлол йилларида ижод майдонига кириб келган навқирон авлоднинг орзу ҳаваси, изланиш-интилишларини кузатиб кўз қувонади, умидлар оқланишига ишонч ортади. Яна бир томони, омадли бу авлодга имкониятлар ашиги лағм очик. Ижодий машқларини эълон қилиш, китоб, тўплам тарзида чоп

этиш бурунги даврдагидай бугун муаммо эмас. Энг муҳими истеъдод эгалари давлатимиз соясида, муҳтарам Юртбошимиз ғамхўрлигида камол топаётир.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича муҳим амалий тақлиф ва ҳулосалар илгари сурилган **"Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисолисида: "Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб**

қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши лозим", деган даъватлари ёш ижодкорларга эътибор ва ғамхўрликнинг ҳар томонлама қучайишини таъминлади.

Албатта, қалам аҳлига кўрсатиладиган кўмак, рағбат уларга қанот бағишлайди, руҳиятини кўтарди. Айни пайтда ижод — ёзувчининг имконияти, салоҳияти, заҳматқашлиги ва изчил изланишлари билан боғлиқ субъектив ҳодиса. Бу, бевосита, бугун ижод майдонида жавлон ураётган ёш истеъдод эгаларига ҳам тааллуқли. Шу маънода уларнинг шеър, ҳикоя, қисса жарларидеги машқларини кузатиб бориш, ютуқ ва камчиликларини таҳлиллар орқали очиб бериш, таъкидлаш адабий жараённинг доимий, долзарб вазифаларидандир.

4

ТИНЧ КУНЛАР ҚАДРИ

Шукур ота бу тонг ҳам ҳар галгидек барвақт уйғониб ҳовлига чиқди. Саратоннинг тун бўйи оташ пуркаган қайноқ тафти анча пасайиб, танга роҳат бағишловчи майин шабада эсарди. Атрофга ҳовли этагидаги райҳон ва ноз-бўйларнинг димоғни қитикловчи ҳиди уфурди. Гулзор ўртасида чўгдек очилган бир жуфт атиргул, ўзини кўз-кўз қилган гулпарилардек, сокин эсган шамолда аста тебраниб қўяди.

Тонгги ажиб осудаликдан кўнгли ёришган Шукур ота оҳиста самога кўз ташлади. Осмон мусоффо, бир жуфт қалдирғоч наларнидир вижирлаб чарх уради.

Шукур бобо мўъжазгина гулзорга шилдираб оқиб қираётган сувнинг йўлини қулпунай экилган жўяк томон буриб қўйди. Қулпунайзор тепасидаги ишқомда эндигина шира боғлай бошлаган узум шодалари оч сарғиш ва қизғиш рангда товланиб, кўзни олади.

Ҳар доимги одати бўйича ҳовли чеккасидаги анжирга сув пуркар экан, бобо хиргойи қилганча пишиб етилган ва бол сизиб турган беш-олтита анжирни косага териб олиб, сўри устидаги дастурхонга қўйди. Шу пайт гувиллаган овози осмонларни тўлдириб самолёт учиб ўтди. Унинг ортидан

қараб қолар экан, ҳаёли олис-олисларга учди.

Кечагина телевизорда кўргани, Ер шарининг баъзи ҳудудларида юз берётган нотинчликлар, тинч ва осойишта ҳаётга хавф солаётган таҳдидларнинг авж олаётганини ўйлаб, дили ҳуфтон бўлди. "Эҳ одамзод, одамзод, сенга нима бўляпти ўзи? Наҳотки, ўз оёғинга ўзинг болта ураётганингни, ўзинг сузиб кетаётган

Ватан учун яшайлик!

кемани ўзинг чўктираётганингни сезмаётган бўсанг?! Ахир, урушу жоҳарлар, дину мазҳаб таллашиб қон тўкишлар, диний-экстремизм ва терроризм одамзод бошига фақат мусибату жудоликлар олиб келиши азалдан маълум-ку. Наҳотки, шуни англаб етмасанг. Ундан кўра дини, миллатидан қатъи назар барча бир ёқадан бош чиқариб, бир тану бир жон бўлиб она сайёрамизнинг тинч-осойишта, гуллаб-яшнаши учун қурашгани афзал эмасми? Эҳ, хом сут эмган ношукур бандалар-а!", — деб бош чайқаб қўйди.

Давоми иккинчи саҳифада.

Ёзувчилар уюшмасида

«ЁШЛИК КЛУБИ» ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида келажатимиз эгалари бўлиши ёшлар билан ишлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, юртимизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган ёш ижодкор эгаларини аниқлаб, улар ижодини юзага чиқариш — Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Шу мақсадда, "Ижод" фонди кўмаги билан ёшларнинг илк китобларини нашр этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор тadbирлар амалга ошириб келинмоқда.

Қуни кеча Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган фаоллар йиғилиши ёш ижодкорлар билан ишлашни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланди. Маълумки, Уюшма қошида кўп йиллардан буён "Онажоним — шеърят" адабий тўғараги фаолият юритиб келади. Мазкур тўғарақ ўз сафига қўллаб ёш ижодкорларни бирлаштирган. Машғулотларда улар бадий маҳорат бобида устоз шоир ва ёзувчилардан адабий сабоқлар олади. Бундай тadbирлар доирасида мамлакатимизнинг таниқли шоирлари ижодига бағишланган махсус учрашувлар, янги нашр қилинган китоблар тақдиротлари ҳам ўтказилади.

Йиғилишда бадий ижоднинг барча жанрлари бўйича тўғарақларни ўзига муҳассас этган, янада кенгрок қамровда фаолият юритиб келади. Мазкур тўғарақ ўз сафига қўллаб ёш ижодкорларни бирлаштирган. Машғулотларда улар бадий маҳорат бобида устоз шоир ва ёзувчилардан адабий сабоқлар олади. Бундай тadbирлар доирасида мамлакатимизнинг таниқли шоирлари ижодига бағишланган махсус учрашувлар, янги нашр қилинган китоблар тақдиротлари ҳам ўтказилади.

Халқимиз талантларга бой, уларнинг биронтаси ҳам назардан четда қолмаслиги керак, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Мухаммад Али. — Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва юзага чиқариш Ёзувчилар уюшмасининг барча аъзолари олдидаги долзарб вазифалардан бири саналади.

Истикболли ёшларимиз "Ёшлик" клубида ўқиб-ўрганиб, учрашувларда иштирок этиб, тобланиб, келажакда адабиётимиз уммонига шарқироқ сойлар, тошқин дарёлар бўлиб қўйлади, деб умид қиламиз.

Фаоллар йиғилишида "Ёшлик" клубининг 2015 йил учун иш режаси тасдиқланди. Йиғилишда клубнинг кенг қамровли фаолиятини йўлга қўйиш хусусида тақлифлар айтилди.

Ахборот хизмати

ХАЛҚИМНИНГ РИЗҚИ РЎЗИ

Нон увогин кўзга суриб, ўпган халқ бу,
Тонгда туриб, йўлларга сув сепган халқ бу.
Гўдак тили чиқмай туриб, салом сўзин
Боласига нон мисоли тутган халқ бу.
Юлдузларин йиғиштирмай ҳали осмон,
Ўзбекоийм тандир тўла ёпади нон.

Ловулаган тандирми ё ноннинг юзи,
Келинчақнинг ёноқлари ўт, қирмизи.
Алпомишдек ўғлонлари омон экан,
Мангу бутун эрур халқим ризқу рўзи.
Саратоннинг еллариди чайқалар дон,
Ўзбекоийм тандир тўла ёпади нон.



Шарифа САЛИМОВА

НИЯТЛАР ТУТАШГАНДА

Буюк воқеаларнинг асл салобати вақт ўтган сайин теран намоён бўлиб бораверади. Эҳтимол, буюк аҳдодларимиз оламни неча асрлардан буён ҳайратга солиб келётган бетакрор меъморий обидаларни бунёд этаётганларида замондошлари учун бу ноёб ёдгорликлар оддий бир иншоот бўлиб кўрингандир. Лекин ўша бинолар давр ва вақт синувларидан муваффақиятли ўтиб, ҳамоно ўз кўрку тароватини йўқотмай келётгани ҳамма нарсанинг асл қимматини вақт белгиллашини кўрсатиб турибди.

Худди шунга ўхшаб илк бор 1997 йил бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг ҳақиқий кадр-қиммати ҳам қадимий обидалар шуккухи сингари вақт ўтиши билан янада теранроқ намоён бўлиб бормоқда. Мустақиллигимизнинг илк маданий меъраси бўлган бу улкан тadbир юртимиз тарихи солномасига зарҳал харфлар билан битилишига шубҳа йўқ.

Илк фестивалнинг очилиш тантаналари ҳали ҳам кўз ўнгимда. Самарқанд юраги бўлиши Регистоннинг

турли чироқлар ёғдусига йўғрилган нурафшон кўриниши, хуш кайфиятдаги фестивал қатнашчилари, меҳмонлар ва мезбонларнинг фестивал тантанали очилишини интиқлик билан кутаётган нигоҳлари... Регистон майдонига йиғилган барча, ҳатто тadbир очилиши қатнашчилари ҳам қаттиқ хаяжонда. Тинимсиз олқишлар остида минбарга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кўтарилади. Юртбошимизнинг Ватанимизда илк маротаба ўтказилаётган халқаро фестивалнинг очилиш маросимидаги табрик сўзи барча меҳмонлар, қатнашчилар ва мезбонларда унутилмас таассурот қолдиргани ўшанда. Айниқса, "Ишонманки, қадимий Самарқандда очилаётган мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолади ва Шарқ халқлари қуй ва оҳангларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади", деган башорати бугун нақадар ҳаққоний эканининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Давоми бешинчи саҳифада.

Исажон СУЛТОН

— Вики, қйблагох нима?

— Замонавий тилда компас дейилади. Икки қутбни кўрсатиб турадиган, Ернинг табиий магнит майдони асосида ишлайдиган асбоб.

Ҳа, бироқ ота — умрини болаларига, ота-онасига фидо қилиб юборадиган, оилам-рўзгорим дея ўзини ўта-чўққа урадиган, шу фароғат масканини ҳар турли хатарлардан асрайдиган бениҳоя улуг зот. Отага тик боқилмайди, гап қайтариб бўлмайди, унинг ҳурматини бажо келтирган ўғил эл-юртда ҳам иззат-эҳтиромга сазовор бўлади.



3

